



ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ОНА ЮРТИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Иқтисодий—ҳуқуқий газета

№ 36 (321) • 2011 йил 3 сентябрь

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 26–27 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси зиденти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўйбга чиқариш доирасида тайёрланган қонунларни кўриб чиқишдан бошладилар. Чунончи, молия-банк инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қонун кредит ахбороти алмашинувининг ҳамда кредит битимининг, битим



бўйича мажбуриятларни ижро этишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кредит ахбороти субъектларининг кредит қобилиятини, молиявий аҳолини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга ёрдам берадиган бошқа ахборотни тақдим этишнинг амалий тизимини яратишга қаратилган.

Сенаторлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилдилар. Қонуннинг асосий мақсади тугатиш ишени юритишнинг айрим тартиб-таомилларини ўтказиш муддатларини қисқартиришдан, керакли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун банкрот корхоналар мол-мулкни янги мулкдорларга реализация қилишнинг самарали механизмларини яратишдан иборат.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ тайёрланганлиги ва қабул қилинганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонун билан лицензиялаш тартиб-таомиллари анча соддалаштирилмоқда. Чунончи,

2-бетда



ЖАМОАТЧИЛИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон фуқароларининг ўтган давр давомида мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришларга муносабатини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказмоқда. Навбатдаги ижтимоий тадқиқот аҳолининг суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотлардан хабардорлик даражаси ва Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида бу борада белгиланган янги вазифалар тўғрисидаги фикрларини аниқлашга бағишланди.

Сўров мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари самараларига юқори баҳо бераётганини кўрсатди. Сўралганларнинг фикрича, бу борадаги ютуқлар қонунчиликнинг такомиллашгани, қонун устуворлиги тамойилига қатъий амал қилинаётгани, фуқаролар мурожаати соҳасида, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг ошиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ишлашда ошқораликнинг таъминланишида ўз ифодасини топмоқда.

Тадқиқот аҳоли ўртасида ҳуқуқий демократик жамиятда яшайдиган инсон ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимлар мажмуига эга бўлиши, танқидий фикрлай олиши ва воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила билиши, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва диний бағрикенглик сингари қадриятларнинг аҳамиятини тушуниши; фуқаролик тафаккури, фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганини кўрсатди. Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш катта аҳамият касб этмоқда.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонлик даражасининг барқарор ўсиши

суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим ютуғидир. Илгари шу мавзуда ўтказилган сўровлар натижаларини қиёслаш ўз ҳуқуқларини яхши биладиган ва бу соҳани мустақил ўрганишга интилаётган фуқаролар сони тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Сўров иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда ҳуқуқий саводхонлик умумий маданиятнинг бир қисми бўлибгина қолмай, ҳаётий, ишбилармонлик ва ишлаб чиқаришга оид масалаларни муваффақиятли ҳал қилишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўров қатнашчиларининг аксарияти (86 фоизи) нуқтаи назарига кўра, фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ва унга амал қилишга интилишининг барқарор ўсиб бораётгани суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг муҳим самараларидандир. Бу кўпчилик юртдошларимизнинг ҳуқуқий давлатни хавфсиз, сифатли ва фаровон ҳаёт гарови, деб билишидан далолат беради.

Ижтимоий тадқиқотлар маълумотларига кўра, ўзини ҳуқуқий ҳимояланган деб биладиган фуқаролар сони йил сайин кўлаймоқда. Мазкур сўров давомида қарийб 90 фоиз иштирокчилар айнан шундай жавоб берди. Аҳолининг фикрича, мамлакатимизда фуқароларнинг таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари таъминланмоқда, одамларнинг мулк, меҳнат қилиш, кадр-қимматини ҳурмат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларига қатъий риоя қилинмоқда.

Фуқароларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш, бунга демократик ҳуқуқий давлатнинг олий қадрияти сифатида муносабатда бўлишни шакллантириш Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидандир. Масалан, аксарият аҳолининг (сўров қатнашчиларининг 89,4 фоизи) фуқароларимизда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туйғуси кучайиб бораётганига ишончи комил. Бу уларнинг ҳуқуқий онги ошиб бораётганидан далолатдир.

Фуқаролар мамлакатимиз суд тизимида мунтазам равишда инсонпарварлик ва эркинлаштиришга интилиш кучайиб бораётганини алоҳида таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган энг инсонпарвар ҳаракат бўлиб, бунинг ёрқин мисолидир. Аҳолининг аксарият қисми (93,6 фоизи) Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда бу борада қабул қилинган Фармонини тўла қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, 85,4 фоиз сўров қатнашчилари қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди.

Умуман, жамоатчилик фикри бўйича ўтказилган сўров Ўзбекистон фуқароларининг Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларни тўлиқ маъқуллашини, ушбу ислохотлар натижаларини юқори баҳолашини ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан ушбу ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича ишлаб чиқилган стратегияни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоёйиш этди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ўза мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

1-бетда қонундан юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ўвоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини нотариал тасдиқлаш зарурлиги ҳақидаги талаб чиқариб ташланди, лицензияловчи орган томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун лицензияловчи органнинг бундай аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида йиғим ундирилишини назарда тутувчи норма киритилди.

● Шундан сўнг сенаторлар «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сўзга чиққан сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига, жамоат хавфсизлигига ва давлатнинг барқарорлигига таҳдид тўғрисидаги қарорларда вазиятлар юз беришининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик борасидаги миллий қонунчилик базасини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

● Сенаторлар «Жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунини муҳокама қилдилар.

Қонунда қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, асослари, қамоқда сақлаш муддатлари мустақамлаб кўйилган, қамоқда сақлаш жойлари тушунчаси расамадга солинган, ушлаб турилганлар ва қамоқда сақланаётганларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, бу ҳуқуқларни таъминлаш кафолатлари белгиланган. Жумладан, ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг қамоқда сақлаш жойларига бориши тартиби ва бошқалар белгилаб қўйилган.

Сенаторларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари бўйича институтларнинг фикрини назарда тутган ҳолда қабул қилинган ушбу Қонуннинг маъқулланиши жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни ва суд-ҳуқуқ тизимини

янада либераллаштиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

● Сенаторлар «Жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар. Тегишли ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритилган. Хусусан, милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан бошлаб ёзма шаклда прокурорни хабардор қилиши шартлиги, қамоқда сақланаётган айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор бошқа қўшимчалар мустақамланган.

● Шундан кейин сенаторлар «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг мақсади қонун ҳужжатларини бирхиллаштиришдан ҳамда хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларини текширишни ўтказиш жараёнида янада қулайроқ шарт-шароит яратишдан иборат эканлиги қайд этилди.

Қонун билан «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгаришларга мувофиқ, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режадаги солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Қонунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бошланадиган ва тугалланадиган вақтни белгилашнинг аниқ таомиллари кўрсатилган. Хусусан, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектга текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) текшириш тугаган кунни таъминлаш назарда тутадиган тартиб жорий этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, текширишлар расман тугагандан кейин уларни амалда давом эттириш ҳолларига чек қўйиш имконини беради.

● Сенаторлар «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шах-

слар тоифалари – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Ушбу қонун Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка масалаларини тартибга солишдан, бу соҳада қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдан иборат.

Қонунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар тоифалари – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг рўйхатини тасдиқлаш назарда тутилади. Булар қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимидаги тегишли лавозимларга белгиланган тартибда тайинланиб, тасдиқланиб ёки сайланиб, тайинланган, тасдиқланган, сайланадиган лавозимларда бўлиши даврига прописканидан ўтказиладиган шахслар, республика аҳамиятига молик давлат ташкилотларига ишга таклиф қилиниб, лавозимда бўлиш даврига прописканидан ўтказиладиган юқори малакали мутахассислардир.

Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг прописка масаласи бўйича муносабатлари ҳолисона кўриб чиқилишига, суистеъмолликларнинг олди олинишига ҳамда пойтахт минтақасида ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлиги таъминлашига ёрдам беради.

● Сўнгра сенаторлар «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонунда умумэтироф этилган халқаро атамашунослик талабларини ҳисобга олган ҳолда «географик объектлар», «географик объектларнинг номлари», «Географик объектлар номларининг давлат реестри» деган тушунчаларга биринчи марта таъриф берилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг, географик объектларнинг номлари соҳасидаги махсус давлат органининг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда. Қонунда географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби ҳам назарда тутилган.

● Сенаторлар «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб

чиқилган «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

● «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги Қонунини ҳамда тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашнинг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан, шунингдек, Қонун нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига зарарли таъсирири, майтириш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашнинг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан, шунингдек, Қонун нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига зарарли таъсирири, майтириш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш борасидаги давлат сиёсатининг принциплари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатлари, шунингдек, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш, реализация ва реклама қилиш борасидаги фаолиятни тартибга солиш бўйича ваколатлари аниқ расамадга солинган. Бу борада давлат назорати чоралари белгилаб қўйилган. Муҳокама чоғида сенаторлар Қонуннинг қабул қилиниши алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш билан боғлиқ касалланиш ҳамда ўлим ҳолатлари қисқаришига ва фуқароларнинг саломатлиги сақланишини таъминлаш борасидаги профилактика чора-тадбирлари рўёбга чиқаришга ёрдам беришини таъкидладилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма йиллиги арафасида маъқулланган қонунлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга, давлат қурилиши ва бошқарувини такомиллаштиришга қаратилганлиги, бу қонунларни рўёбга чиқариш мамлакатда демократик янгилиниш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муҳим омил бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда, уларнинг турмуш сифатини яхшилашда ҳамда мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни таъминлашда катта роль ўйнаши кўрсатиб ўтилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунни тугалланди.

2011 йил 27 августда Тошкент шаҳрида



УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

Жамоатчилик ислохотларни қўллаб-қувватламоқда

Қулай ва хавфсиз транспорт тури

Валюталар курси

1-3-бетлар

✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Шартнома бўлиши керак

Овқатланиш пули ва йўл ҳақидан ижтимоий суғурта олинмайди

Пенсионернинг декларацияси

МЧЖ – муассаса эмас

4-бет

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

МЧЖни ширкатга айлантириш қоидалари

Минутлаб эмас, секундлаб

5-бет

✓ ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Қалбакилаштиришга қўл уриб

6-бет

✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Амалий мулоқот илми

Пештахтадаги маҳсулот ғайриоддий бўлса...

7-бет

✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

8-бет

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	26.08.2011	1	0,7865	1	1,1331	1	0,027
Арманистон	26.08.2011	1	368,08	1	531,51	1	12,75
Беларусь	27.08.2011	1	5061	1	7306,06	1	175,29
Грузия	26.08.2011	1	1,647	1	2,3799	1	5,7024
Қозоғистон	27.08.2011	1	146,43	1	211,43	1	5,07
Қирғизистон	27.08.2011	1	44,8978	1	64,8392	1	1,5551
Латвия	29.08.2011	1	0,488	1	0,702804	1	0,0169
Литва	29.08.2011	1	2,3915	1	3,4528	10	8,2808
Молдова	26.08.2011	1	11,3359	1	16,374	1	0,393
Тожикистон	27.08.2011	1	4,7532	1	6,8696	1	0,1656
Ўзбекистон	23.08.2011	1	1734,14	1	2490,36	1	59,24
Украина	26.08.2011	100	797,15	100	1149,8092	10	2,76
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикасининг бир қатор халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллашдан бошладилар.

● «Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 24 ноябрда Қатар Давлатига ташрифи доирасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасидаги Битимни ратификация қилишдан иборат.

Мазкур Битим қоидаларига мувофиқ томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар, ўзаро ишонч ва манфаатларга асосланган икки томонлама шерикчиликнинг аниқ йўналишларини белгилдилар. Жумладан, томонлар маданият, санъат, таълим, оммавий ахборот воситалари, спорт ва туризм, шунингдек, фундаментал ва амалий фанлар, илғор техника ва технологияларни ривожлантириш ҳамда жорий қилиш, тўғридан-тўғри алоқаларни кўллаб-қувватлаш ва биргаликдаги илмий-тадқиқот дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, олимлар, мутахассислар алмашинуви ва бошқа соҳалардаги ҳар томонлама ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда кенгайтириб боришни мақсад қилиб олганлар.

● «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асносида ушбу ҳужжатни қабул қилишдан мақсад Умумжаҳон почта иттифоқининг 2008 йил 12 августда Женевада бўлиб ўтган XXIV Конгрессида Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган мазкур ҳужжатни ратификация қилишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1994 йилда Умумжаҳон почта иттифоқига кирган вақтида унинг Устави ва Яқуний баённомасига (Вена, 1964 йил 10 июль), сўнгра эса Умумжаҳон почта иттифоқи Уставининг аввал қабул қилинган барча еттита қўшимча баённомасига қўшилган эди. Ушбу баённомалар Ўзбекистон Республикаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ратификация қилинган.

Умумжаҳон почта иттифоқига кирувчи мамлакатлар почта жўнатмаларини ўзаро алмашиш учун ягона почта ҳудудини ташкил этишига асосланиб, ташкилотнинг мақсади почта алоқалари ташкил этилиши ва такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат қилиб белгиланган эди.

Мазкур Баённоманинг ратификация қилиниши, сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистонга сифатли, самарали почта алоқаси хизматларини барқарор ривожлантиришни давом эттириш, Умумжаҳон почта иттифоқига аъзо барча мамлакатлар ҳудудида халқаро почтани қабул қилиш, уни ишлаш ва етказиб беришнинг ягона технологиясидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорликни ва ўзаро алоқани ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ёқлаш имконини беради.

● Шундан кейин сенаторлар «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Ушбу Битимнинг мақсади аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда тарқатилишига қарши кураш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлигини кенгайтиришдан иборат.

Кун тартиби доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий банк 2010 йилда ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисида қўйилган устувор вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 8 майдаги «Ўзбе-

кистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарори ҳамда 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури рўёбга чиқарилишини таъминлаганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ялпи мажлисда қайд этилганидек, катъий пул-кредит сиёсатини юритиш натижасида ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликнинг мустақамланиши ҳамда инфляция даражасининг кўзланган мақсад параметрлари доирасида сақланиб туриши таъминланди. 2010 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 7,3 фоизни ташкил этди, тижорат банкларининг умумий капитали 1,4 баробар ўсди. Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашуви ошириш бўйича амалий чоралар кўрилганлиги мамлакат банк тизими капиталининг етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган жаҳон стандартларидан 3 баробар ортқ бўлишини таъминлаш имконини берди, натижада банкларнинг активлари 32,1 фоизга кўпайди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг бундан буён ҳам капиталлашуви ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш, бу соҳага хусусий капитални жалб этиш, тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини кучайтириш ҳамда уларнинг иқтисодий реал секторининг инвестиция лойиҳаларини молиялашдаги иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес, фермерликни ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш ва ҳажмларини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли ҳамда Вазирлар

Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаларида баён этилган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришнинг гоят муҳим омили ва шарт сифатида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги асосий қоидалар ҳамда хулосалар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ушбу ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли қарор қабул қилди.



Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужали суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кўнлик мажлиси давомида 21 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 15 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ ТУРИ

«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси истиқлолимизнинг 20 йиллик байрамига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Бугун Тошкент метрополитени энг қулай, тез ва хавфсиз транспорт тури ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, кўп сонли йўловчиларнинг узогини яқин қилаётган метронинг аҳолига манзур бўлаётганига сабаб унинг энг янги автоматика тизимлари билан жиҳозлангани, поездларнинг ишончли ва аниқ ҳаракат қилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилигидир.

– Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент метрополитенида хавфсизликни таъминлаш ва пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси бошлиғи Бахтиёр Содиқов. – Бунда Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент метрополитени узунлиги, техник жиҳозланиши

ва хизмат кўрсатиш салоҳияти бўйича Марказий Осиёда ягона бўлиб, МДХ мамлакатларида тўртинчи ўринда туради. Аини пайтда қарийб 3,5 минг нафар ходим меҳнат қилаётган саккизта хизмат метронинг узлуксиз ишлашини таъминламоқда. Ҳар куни ўртача 180 минг киши ўз манзилига етказилмоқда.

Шу кунларда ички кузатув камералари ва мониторларни ўрнатиш ишлари тўлиқ якунланди. Энди станциялар ичи, платформалар ва вестибюллар метрополитен ходимларининг доимий назоратида бўлади. Бундан ташқари, метрога киришда ва ҳар бир станция ичарисида металл қидириш мосламалари билан таъминланган милиция патрули ва метрополитен хавфсизлик бўлими вакиллари навбатчилик қилмоқда.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2000 йилдан буён ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган депо фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳар йили 48 вагон таъмирланмоқда. Уларнинг 12 таси капитал, 36 таси эса жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фавқулодда, авария ёки кутилмаган вазиятларнинг олдини олиш имконини бermoқда. Байрам кунлари йўловчилар оқими кўпайиши сабабли поездлар оралиқ вақтни қисқартирган ҳолда аниқ ва бир маромда ишлайди.

Метрополитен ходимлари доимо тозалик ва тартибни



ЎзА сурати.

сақлаш, йўловчилар учун қулайлик яратишга ҳаракат қилади. Байрамга тайёргарлик кўриш давомида станциялар жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Метрополитен атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилмоқда ва кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент метрополитенида амалга оширилаётган ишлар ушбу тузилмани модернизация қилиш ва янада ривожлантиришга қаратилган. Мухтасар айтганда, пойтахт метрополитени ходимларининг асосий мақсади – йўловчиларни ишончли ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда манзилларига етказиш, уларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдан иборат.

ЎзА.

ШАРТНОМА БЎЛИШИ КЕРАК

Биз ресторан бизнесини юритамиз. Агар мижоз бизнинг ресторанда базм буюртиришни режалаштирсан, биз ундан пул маблағларининг бир оз қисмини олдиндан тўланадиган ҳақ сифатида гаров бўйича қолдиришни сўраймиз.

1. Нақд пул маблағлари қабул қилинишни қандай расмийлаштириш керак? Агар у бизнинг хизматларимиздан воз кечса, уларни қандай қилиб қайтариш мумкин?
2. Ушбу пул маблағларини банкка топшириш керакми?

Бухгалтер.

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан барча битимлари ёзма шаклда тузилиши керак (ФК 108-моддаси биринчи қисмининг 1-банди). Чакана савдо соҳасида қонун оғзаки (оммавий) шартномаларни тузишга йўл қўяди. Бироқ, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига кўра тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан берилмаган буюртмалар бўйича ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади. Шу тариқа сиз мижозингиз билан ёзма шартнома¹ тузишингиз керак, унда олдиндан ҳақ тўлашни қабул қилиш тартиби ва уни қайтариш шартлари белгиланиши керак.

1. Бевосита корхона кассасидан нақд пул маблағларини олиш ва сарфлаш билан боғлиқ операциялар Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари² (бундан кейин – Қоидалар) билан тартибга солинади.

Чунончи, нақд пуллар корхона кассасига келиб тушганида кирим касса ордери расмийлаштирилади. Ҳар гал фуқаролардан нақд пул қабул қилинганда алоҳида квитанция расмийлаштирилиб, унга бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс ва кассир имзо чекади, кассир муҳри (штампи) ёки касса аппаратининг изи билан тасдиқланади. Иш куни охирида бутун нақд тушумга битта кирим ордери ёзилади.

Агар шартнома шартларига кўра пулларни қайтариш лозим бўлса, Қоидаларнинг 15-бандига кўра, пул берилиши ҳар бир шахсга алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордери бўйича ёки тузилган шартномалар асосида алоҳида қайднома бўйича амалга оширилади. Пул чиқим касса ордери бўйича берилганида уни олувчи кассир-

га ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат (паспорт, ҳарбий билет ва ҳоказо) тақдим этиши керак. Кассир чиқим ордерида ҳужжатнинг номи ва рақами, ким то-



монидан қачон берилганлигини кўрсатиши лозим. Пул фақат чиқим касса ордери ёки ишончномада кўрсатилган шахсга берилди.

2. Бу нарса кассангиздаги нақд пуллар қолдиғи лимитига боғлиқ. Қоидаларнинг 4-бандига кўра, ташкилотлар ўз кассасида кассаддаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлишлари ва меъёрлар доирасида тушумдан уларни ишлатишлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари ва тушумни ишлатиш меъёрларини банк муассасалари ушбу ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда белгилайди. **Кассада нақд пуллар қолдиғининг белгиланган лимитларидан ортиқча бўлган барча нақд пулни ташкилотлар банк муассасаси билан келишилган тартиб ва муддатларда ҳисобварақларга ёзиш учун топширишлари шарт.** Уни ташкил этиш ва инкассациялаш тартиби Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома³ билан белгиланади.



Бир қанча ходимларимиз ёшга доир пенсияни расмийлаштиришмоқда. Бош бухгалтер сифатида мен уларга охириги 10 йил учун маълумотномалар тақдим этишим керак.

Мен суғурта бадаллари (4,5 фоиз) ва Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 25 фоизлик тўловни нафақат овқатланиш ва йўл учун тўланган суммалардан, балки таътил пуллари, чораклик мукофотлар, Наврўз, Мустақиллик ва Конституция куни муносабати билан тўланган мукофотлардан ушлаб қолган эдим.

Юқорида санаб ўтилган даромадларнинг қайси турлари пенсия ҳисоблаш мақсадида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига киритилмаган даромадлар тўғрисидаги маълумотномага киритилади?

Бош бухгалтер.

ОВҚАТЛАНИШ ПУЛИ ВА ЙЎЛ ҲАҚИДАН ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ОЛИНМАЙДИ

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун¹ 32-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўшилади. Бинобарин, қонун бўйича ижтимоий суғуртага бадаллар ушланадиган барча даромадлар пенсияни ҳисоблаб чиқариш ва тайинлаш учун даромадлар тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилиши керак.

Солиқ кодекси (СК)нинг 307-моддасига мувофиқ, ижтимоий суғурта бадаллари ушланиши керак бўлган даромадларга СКнинг 172-моддасида келтирилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар кирди. Иш ҳақидан ташқари, улар сизга тўланган мукофотлар ҳам киритилган рағбатлантириш тусидаги тўловлардан (СКнинг 173-моддаси), шунингдек ишланмаган вақт учун ҳақ, яъни таътил пуллари (СКнинг 175-моддаси) ҳам ушлаб қолинади. Овқатланиш ва йўл чипталари қиймати ёхуд улар қийматини қоплаш эса меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга эмас, балки моддий наф тарзидаги даромадларга (СК 177-моддасининг бешинчи хатбошиси) киритилган бўлиб, уларнинг суммасидан ижтимоий суғурта бадаллари ушланмаслиги керак.

Шундай қилиб, сиз хатда санаб ўтган даромадлардан маълумотномада иш ҳақидан ташқари мукофотлар ва таътил пуллари кўрсатилиши керак.

Овқатланиш ва йўл учун тўланган суммалардан хато равишда ушланган ижтимоий суғурта бадаллари билан боғлиқ вазиятни ўз вақтида тузатишга ва ЯИТни қайтадан ҳисоб-китоб қилишга эса «Амалий солиқ солиш» ва «Амалий бухгалтерия» маълумотнома-китоблари ёрдам беради.

¹1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонун.

МЧЖ – МУАССАСА ЭМАС



Бизнинг МЧЖ ўқув марказини ташкил этишни режалаштиряпти. Ушбу фаолият тури лицензияланиши кераклигини билиб, биз лицензия олиш учун тегишли органга мурожаат қилдик. Бироқ бизга ўқув фаолияти билан фақат нотижорат ташкилотлари шуғулланиши мумкинлигини айтиб, Вазирлар Маҳкамасининг 100-сон қарорини асос қилган ҳолда бош тортишди. Биз ушбу ҳужжатни кўриб чиқдик ва ўқув фаолияти билан фақат нотижорат тузилмалари шуғулланиши керак деган меъёрларни топмадик. Бундай меъёр умуман борми? Ёки биз, тижорат ташкилоти бўлсак-да, барибир таълим бериш фаолияти билан шуғулланишга лицензия олишга ҳақлимизми? Агар нодавлат ўқув марказлари фақат нотижорат ташкилотлари бўлиши керак бўлса, демак улар хизматларни бепул кўрсатишлари керакми?


МЧЖ директори.

– «Таълим тўғрисида»ги Қонунда айтилишича, билим олиш ҳуқуқи: давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш орқали таъминланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланган. Кўрамизки, иккала ҳужжатда «муассаса» деган юридик атама қўлланилади, фуқаролик ҳужжатларига кўра у нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан бириктирилган.

¹Фуқаролик кодексининг 76-моддаси; 1999 йил 14 апрелдаги 763-И-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси.

Таълим муассасаси пулли таълим бериш хизматларини кўрсатишга, шунингдек устав вазифаларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлидир. Ушбу ҳуқуқ уларга «Таълим тўғрисида»ги Қонун 6-моддасининг олтинчи қисми ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси билан бириктирилган.

P.S. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳақиқатан ҳам барча таълим муассасалари фақат нотижорат



ПЕНСИОНЕРНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мен ишлаётган пенсионерман. Фақат битта ташкилотда ишлайман ва даромад оламан. Мен ҳам даромадларим тўғрисида декларация топширишим керакми?

Пенсионер.

– Йўқ, керак эмас. Солиқ кодексининг (СК) 189 ва 192-моддаларига мувофиқ куйидаги даромадлар олинганда жами йиллик даромад тўғрисида декларация топширилмайди:

мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;


асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Сиз пенсионер сифатида СК 179-моддасининг 25-бандига кўра **солиқ солинмайдиган** давлат пенсиясини ҳамда иш жойи бўйича иш ҳақи оласиз. Шу тариқа, солиқ солинадиган даромадни сиз фақат бир манбадан оляпсиз. Бундай шароитда декларацияни мажбурий топшириш учун ҳуқуқий асослар йўқ.



муассасалари шаклида барпо этилиши мумкинлигини белгилайдиган алоҳида меъёр мавжуд эмас. Бундай қоида қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларидан, шу жумладан лицензиялаш тартибини белгилайдиган ҳужжатнинг ўз номидан келиб чиқади. Бундан ташқари, кўплар «муассаса» атамаси «ўқув юрти» атамасига тенг деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, юқорида айтилганларнинг ҳаммаси тадбиркорларнинг саволларини тугдирар, қонун ҳужжатларига барча таълим ўқув юртлири учун мажбурий ташкилий-ҳуқуқий шаклни белгилайдиган алоҳида меъёрнинг киритилиши уларга жавоб беришда ёрдам беради.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖнинг юрисконсулти Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.

¹Шартнома намунасини www.norma.uz сайтида кўрин.

²МБ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

³МБ бошқарувининг АВ томонидан 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

МЧЖни ШИРКАТГА АЙЛАНТИРИШ ҚОИДАЛАРИ



Муассислар МЧЖни ишлаб чиқариш-матлубот ширкатига ўзгартиришга қарор қилишди.

1. Ширкатларни қандай орган рўйхатдан ўтказиши керак? Уларни рўйхатдан ўтказишга Адлия вазирлиги вилоят бўлимининг қандай дахли бор?
2. Рўйхатдан ўтказишга тавсия қилинган тadbиркорлик субъектларининг рўйхати борми?
3. Масъулияти чекланган жамиятни ишлаб чиқариш-матлубот ширкатига ўзгартириш қандай тартибда бажарилади?

МЧЖ кузатув кенгашининг раиси.

– 1. Ширкатнинг аралаш ташкилий-ҳуқуқий шаклда (ишлаб чиқариш-матлубот ширкати) фаолият юритиши мумкинлиги «Кооперация тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 1-моддасида назарда тутилган. Бироқ Фуқаролик кодекси бундай ташкилий-ҳуқуқий шаклни назарда тутмай, уни 2 мустақил ширкатга: ишлаб чиқариш ширкати ва матлубот ширкатига ажратади. «Кооперация тўғрисида»ги Қонун 1991 йилда, Фуқаролик кодекси эса 1996 йилда қабул қилинганлигини ҳисобга олганда, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун² 14-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бирибирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади. Бинобарин, ширкат ишлаб чиқариш ширкати ёки матлубот ширкати сифатида ташкил этилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ширкати ФКнинг 69-моддасига мувофиқ тижорат ташкилоти ҳисобланади. Бундай ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни, Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом³ 3-бандининг тўртинчи хатбошиси ва Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом⁴ (бундан кейин – 357-сон Низом) 2-бандининг тўртинчи қабатбошисига биноан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари амалга оширадидилар.

¹1991 йил 14 июндаги 295-ХII-сон.

²2000 йил 14 декабрдаги 160-II-сон.

³Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴ВМнинг 2003 йил 20 августдаги «Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 357-сон қарорига 1-илова.

⁵1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон.

⁶1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон.

⁷2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон.

⁸2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон.

⁹2003 йил 29 августдаги 527-II-сон.

¹⁰1991 йил 15 февралдаги 223-ХII-сон.

¹¹Молия вазирининг АВ томонидан 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Матлубот ширкати ФКнинг 73-моддасига мувофиқ нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишни, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун⁵ 21-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, адлия органлари амалга оширадидилар.

2. Рўйхатдан ўтказиш тавсия қилинган тadbиркорлик субъектларининг рўйхатини қонун ҳужжатлари белгиламаган. Юридик шахс Фуқаролик кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида, хусусан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»⁶, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»⁷ (бундан кейин – 310-II-сон Қонун), «Хусусий корхона тўғрисида»⁸, «Жамоат фондлари тўғрисида»⁹, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»¹⁰ қонунларда назарда тутилган **исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда** рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

3. 310-II-сон Қонун 54-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ МЧЖ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилотига ўзгартирилиши мумкин. Бинобарин, сизнинг жамиятингиз матлубот ширкатига эмас, балки ишлаб чиқариш ширкатига ўзгартирилиши мумкин. Бундай ўзгартириш таомили қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёрланиш;
- 2) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш;
- 3) ишлаб чиқариш ширкати органларини сайлаш;
- 4) кредиторларни хабардор қилиш;
- 5) якуний бухгалтерия ҳисоботини тузиш;
- 6) ишлаб чиқариш ширкатини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- 7) кириш бухгалтерия ҳисоботини тузиш. Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Бўлғуси йиғилиш тўғрисида масъулияти чекланган жамият иштирокчиларини буюртма хат ёки жамият уставида назарда тутилган бошқа усул билан хабардор қилиш лозим. Ушбу босқичда бир қатор ҳужжатларни тайёрлашга ҳам тўғри келади.

Биринчидан, **ташкил этилаётган ишлаб чиқариш ширкати уставини**. Унда қу-

йидагилар бўлиши керак: ишлаб чиқариш ширкатининг номи, тури ва жойлашган жойи; пайчилар сони; уларнинг ҳуқуқлари; бошқарув органлари таркиби ва бошқалар.

Иккинчи муҳим ҳужжат – **топшириш далолатномаси**. Унга қуйидагилар киритилиши лозим: ташкилотнинг мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар; кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси (рўйхати) (шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар); охириги ҳисобот санасида (қайта ташкил этиш санасида) бухгалтерия ҳисоботи; ҳисобот даврининг солиқ ҳисоб-китоблари; инвентаризациялаш далолатномаси.

2. Ўзгартириш тўғрисидаги қарорни ўзгартирилаётган МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қабул қилади (310-II-сон Қонун 54-моддасининг иккинчи қисми). Унинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилиши керак:

- жамиятни ўзгартириш тўғрисида; ўзгартириш тартиби ва шартлари тўғрисида;
- жамият иштирокчиларининг улушларини ишлаб чиқариш ширкатининг пайларига айирбошлаш тартиби тўғрисида;
- барпо этилаётган ишлаб чиқариш ширкатининг уставини тасдиқлаш тўғрисида; топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш масаласи бўйича қабул қилинган барча қарорлар МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида қайд этилади.

3. 310-II-сон Қонуннинг 54-моддасига мувофиқ ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган жамият умумий йиғилишининг иштирокчилари ишлаб чиқариш ширкатининг аъзоларига айланадилар. Улар бошқарув органларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қиладилар ва уларга давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширишни топширадидилар.

4. МЧЖ ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинган қарор тўғрисида кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиши ва матбуот нашрида бу ҳақда хабар чоп этиши керак. Кредиторлар хабар қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида мажбуриятлар муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарилишини талаб қилишга ҳақли-



дир (310-II-сон Қонун 49-моддасининг олтинчи қисми).

Якуний молиявий ҳисобот вужудга келган корхона ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунда тузилади. Якуний молиявий ҳисобот тузиш чоғида даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварағини ёпиш ва ўзгартирилаётган корхонанинг соф фойдаси суммасини муассисларнинг ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (таксимлаш) амалга оширилади (23-сон БХМС «Қайта ташкил этиш амалга оширилаётган молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг¹¹ 59-банди).

6. Ишлаб чиқариш ширкатини давлат рўйхатидан ўтказиш учун 357-сон Низомнинг 11-бандига мувофиқ қуйидагилар тақдим этилади:

- рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;
- ишлаб чиқариш ширкати таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) давлат тилидаги асл нусхаларининг 2 тадан нусхаси;
- белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;
- фирма номи захирага олинганлиги тасдиғи;
- муҳр ва штамп эскизлари 3 нусхада;
- қайта ташкил этилаётган МЧЖ барча маълум кредиторлари ёзма равишда хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида хабар чоп этилганлиги тасдиғи;
- топшириш далолатномаси;
- рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, МЧЖ муҳри ва штамп; МЧЖни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

Ҳамдўстлик мамлакатларида

МИНУТЛАБ ЭМАС, СЕКУНДЛАБ

Россия Монополияга қарши федерал хизмати Алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлигига алоқа операторларининг тарифларни минутбай асосида қўллашни тақиқлаш таклифини берди.

Монополияга қарши идорадагиларнинг фикрича, оператор чўзилиб кетган суҳбатлашувни йириклаштириш йўли билан яхлитлаб, суҳбат учун тўлиқ фойдаланилмаган минут учун ҳам тўлиқ гаплашилган вақт тарихида ҳисоб тақдим этади – бу билан кўрсатилмаган хизмат учун ҳам ҳақ тўла-

нишини талаб қилган бўлади. Тарифларнинг минутбай асосида ҳисобланишидан воз кечишга ҳеч қандай технологик тўсиқ йўқ, бунга бирдан-бир монелик қилинаётганлигининг заминида операторларнинг хоҳиши йўқлиги иддаоси ётади, холос. Қозоғистонда, масалан, бундай тарифлаш 10 секунддан юқори бўлмаган тарзда белгила-ниши норматив асосда мустақамлаб қўйилган. Таклиф уяли алоқа компанияларигагина эмас, балки «катта» алоқа операторларига ҳам тааллуқлидир. Мезонни бу йўсинда белгилаш роуминг-гдаги хизматлар ҳақини тўлашга ҳам

татбиқ этилмоғи лозим.

Алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлигидан бу таклиф муҳокама этилгани ва сайёр алоқа хизматлари кўрса-

тиш қоидаларининг янги таҳририда тарифларни қўллашда максимал бирлик ҳажми 20 секундга тенг бўлади, деб белгиланганлигини хабар қилдилар.

ВАЗИРЛИКНИНГ ИНҚИЛОБИЙ ЛОЙИҲАСИ

Бизнес соҳаси учун ижтимоий тўловлар ставкаси пасайтирилганлиги россиялик маъмурларни пенсия тизимини модернизация қилиш ҳақида ўйлаб кўришга ундади. Россия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тараққиёт вазирлиги пенсия ислоҳоти бўйича ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳани ҳозирнинг ўзидаёқ инқилобий ҳужжат деб атамоқдалар.

Ҳукумат муҳокамасига узоғи билан ноябгача тақдим этиладиган таклифларнинг моҳияти пенсия тизимини мувозийлаштириш, яъни уни бюджет мададига эҳтиёж сезмайдиган қилиш имконини берадиган янги формулани жорий этишдир. Вазирлик пенсияларни инфляция даражасига қараб индексациялаш принципидан батамом воз кечиш ва уларнинг ўртача маошга нисбатини қайд эта боришни таклиф қилмоқда.

Тўлиқ пенсия ҳуқуқи олиш учун тўлиқ пенсия стажи бўлиши шартлиги иккинчи принципдир. Вазирлик бунда Халқаро меҳнат ташкилоти қоидаларига ҳавола қилмоқда. Мазкур қоидаларга кўра, 15 йиллик меҳнат стажи минимал, 30 йиллик меҳнат стажи эса тўлиқ пенсия ҳуқуқини беради. Ҳозирги кунда Россияда пенсия тизимига «кириш» 5 йиллик стаждан бошланади. Бу ўринда гап ҳеч бўлмаганда аёллар учун амалдаги пенсия ёшини қисман муқобил тарзда ўзгартириш хусусида бормоқда. Бугунги кунда уларнинг меҳнат стажи кўпинча туғиш таътиллари туфайли 30 йилга бормади. Туб асосли учинчи бир янги-

лик, миқдоридан қатъи назар, тўлиқ иш ҳақи пенсия тизимида тўловни ҳисоблаб чиқиш учун асос қилиб олинишидан иборатдир. Шундай қилиб, янги формулада ходимнинг яқка тартибдаги стажи ҳам, иш ҳақи ҳам ҳисобга олинади.


Вазирлик, булардан ташқари, амалдаги пенсия миқдорларини пенсия тизимига юки тушаётган макроиқтисодий ва демографик кўрсаткичларни инобатга олувчи қандайдир янги коэффицентга ўзгартиришни таклиф этмоқда. Бунда гап пенсиялар ўсишини ҳукумат «қўлбола» йўсинда, иқтисодиётнинг ҳолати ҳамда актуар ҳисоб-китоблар орқали олинадиган суғурта ва жамғариб бориладиган бадаллар миқдоридан келиб чиқиб бошқариши имконияти ҳақида бормоқда. Пенсиянинг жамғариб бориладиган қисмини суғурта бадалларига «ташлаш» ишини эркинлаштириш имконияти ҳам кўриб чиқилмоқда. Бу нарса, афтидан, пенсия тизимининг мажбурий бадаллардан шакллантириладиган жамғариб бориладиган қисмини анчагина камайтириб юборади ёки ҳатто уни йўқ қилади. Буни ҳам пенсия ёшини қисман муқобил тарзда ошириш таомилига йўйиш мумкин.

Вазирликнинг бундай ташаббуслари 2014 йилдан эътиборан пенсияларнинг миқдори ҳамда уларни олиш шартларини қанчалик ўзгартириб юборишини ҳозирча ҳисоблаб кўришнинг имкони йўқ, негаки, таклиф этилаётган формулада камчилик ва етишмовчиликлар кўп. Вазирлик комил ишонч билан шуни айтмоқдаки, пенсиялар янада табақалашади, ўтиш даврида Пенсия жамғармасига тўлов ҳам камаяди, иш ҳақининг жами суммасидан тўлов тўлаш эса иш берувчиларнинг ҳозирги 34 фоизли ижтимоий тўловлар ставкасига қиёслаганда ҳам анчагина ортади.

Хорижий матбуот материалларидан.

Криминалист экспертнинг ён дафтаридан

ҚАСБАКИЛАШТИРИШГА КЎД УРИБ



Иқтисодий жиноятларни фош этиш ҳамда тергов қилишда прокуратура органлари, судлар ва Ўзбекистондаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бот-бот криминалист экспертлар ёрдамига мурожаат этадилар. Криминалистлар ашёвий далилларни илмий асосда текшириш йўли билан кўпгина жиноят ишлари, фуқаролик ва хўжалик ишларида ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадилар. Бу борада ҳужжатларни суд-техник экспертиза қилиш муҳим роль ўйнайди. Бундай экспертиза ҳужжатларни қалбакилаштириш фактини аниқлаш имконини беради, бунинг учун эса ҳужжатларнинг реквизитлари ва материаллар текширилади, тадқиқ қилинади.

Бундай суд-техник текширувнинг асосий турлари: дастлабки мазмуни ўзгартирилган ҳужжатларни, қалбакилаштиришнинг махсус воситалари ишлатилган муҳрлар ва штампларнинг изларини, машинада ва босма усулда ёзилган матнларни, бланкаларни, ҳужжатларни экспертиза қилиш, фотосуратлар қайта ёпиштирилганлигини, имзолар техник усулда қалбакилаштирилганлигини, монтаж қилинганлик ҳолатини, ёқиб юборилган ҳужжатларнинг парчалари бўйича бутун ҳужжатни, рангсиз босилган матннинг мазмунини аниқлаш, суркатиб юборилган, ўчирилган, бўялган ва тусини йўқотган ёзувларни тиклаш, бўёқ берилганлигининг, ёзув ва қоғоз материалларининг хронологик изчиллигини аниқлашдан иборатдир.

Ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг замонавий усуллари сирасига бошқа-бошқа ҳужжатлар қисмларини монтаж қилиш, имзоларнинг ифодасини ва (ёки) муҳр изини сканерлашдан фойдаланиш йўли билан ҳужжат тайёрлаш, ҳужжатни талаб даражасида тасдиқланган (гувоҳлантирилган) тоза қоғоз варақларида қалбакилаштириш киради.

Кейинги йилларда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази экспертлари ҳужжатларни техник-криминалистик экспертиза қилишнинг бир қанча янги, қалбакилаштиришни аниқлаш

имконини берадиган усулларини ишлаб чиқдилар. Бизнинг экспертлик амалиётимизда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берган бундай текширишларга оид мисоллар кўп.

...Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлардан бирдан бизга жавобгар Б.га нисбатан А. томонидан киритилган даъво бўйича босма матнни лазер принтеридан чиқаришдаги изчилликни ҳамда А. ва Б. номидан қўйилган имзоларнинг, шунингдек А. номидан берилган тилхатдаги думалоқ муҳр изининг асллигини аниқлаш учун материаллар келиб тушди.

Мазкур масаланинг мураккаблиги шундан иборат эдики, тилхатнинг босма матни ва А. номидан қўйилган имзо чизиқлари, шунингдек думалоқ муҳр излари бир-бири билан кесилмасди.

Илгарилари бундай ҳолларда экспертлар хулоса бериш имконияти йўқ деб хабар қилиб кўя қолардилар. Эндликда лазер принтерларида чиқарилган босма матн штрих-чиқиқлари туширилишидаги ва реквизитлар берилишидаги изчилликни аниқлашда Марказимизда ишлаб чиқилган услубият қўлланилмоқда.

Тилхатни «LEICA MZ-16» микроскопидан 600 карра катталаштирилган ҳолда юқорида зикр этилган услубиятдан фойдаланиб текшириш А. номидан қўйилган имзо ва муҳр изи штрихларида кўпгина майда,

қорамтир, чеккалари аниқ кўриниб турган тонер кукуни зарралари қиздирилган роликда мустақамлаб қўйилганлигини аниқлаб берди. Бу белгилар босма матн А. номидан имзо қўйилиб, муҳр изи туширилганидан кейин принтердан чиқарилган деган хулосага келиш имконини берди. Шундай қилиб, тилхатни янги услубиятдан фойдаланган ҳолда текшириш ҳақиқатни аниқлашга ҳамда мазкур фуқаролик иши бўйича тўғри ҳал қилув қарори қабул қилишга ёрдам берди.

...Тошкент шаҳар хўжалик судидан суд-дастхатшунослик экспертизаси ўтказиш учун жавобгар Г. устидан С.нинг даъвоси асосидаги иш материаллари шартномага доир қўшимча келишувнинг ксероксда чиқарилган нусхасидаги имзонинг асллигини аниқлаш учун келиб тушди. Даъвогар мазкур суммадаги қўшимча келишувни тузмаганлигини ва имзоламаганлигини қатъий айтди.

Иш материаллари билан танишув худди шундай сканерланган имзоли бошқа ҳужжат борлигини аниқлаб берди. Дастхатшунос экспертнинг ташаббуси билан қўшимча келишувнинг ксероксдан чиқарилган нусхасида имзони монтаж қилиш ҳолати бор-йўқлиги масаласини аниқлаш вазифаси қўйилди.

Имзо қўйиш проекцияси уларнинг бир-бирига мос келишини аниқлаб берди, бу эса даъвогарнинг қўшимча келишувдаги имзоси монтаж қилинган деб хулоса чиқаришга асос бўлди, бинобарин даъвогар чиндан ҳам бу келишувни тузмаган ва имзоламаган.

...Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлардан бирида жавобгар М.га нисбатан Н.нинг даъвоси бўйича иш материаллари суд-дастхатшунослик ва суд-техника экспертизаси ўтказиш учун келиб тушди. Қарз тилхатининг асл нусхасидаги Н. имзосининг ва муҳр изининг асллигини аниқлаш талаб этиларди. Дастхатшунос экспертлар ва техник экспертлар Н.нинг тилхатдаги имзоси унинг ўзи томонидан қўйилганлигини, муҳр изи эса унга тегишли думалоқ муҳрдан туширилганлигини аниқладилар. Аммо иш материалларига қараганда, даъвогар мазкур тилхатнинг асл нусхасини тузмаган, уни имзоламаган ва муҳри билан тасдиқламаган.

Босма матн чизиқлари ва реквизитлар микротузилиши картрижларни идентификация қилишнинг Марказимизда ишлаб чиқилган услубияти асосида, замонавий асбоблардан фойдаланган ҳолда текширилганда, босма матн чизиқлари билан реквизитлар микротузилишида тафовут борлиги аниқланди. Бу ҳол қарз тилхатининг асосий матни ва реквизитлари бир вақтнинг ўзиде ба- жарилмаганлигидан далолат беради.

Иш материалларидаги бир қанча ҳужжатлар даъвогар ҳужжатларни расмийлаштиришда асосий матн билан реквизитлар ўртасида анча катта жой қолдиришга одатланганлигидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси экспертларга тилхатнинг босма матни даъвогар томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган бошқа бир ҳужжатнинг асл нусхасидаги бўш жойга монтаж қилинган деган хулосага келишларига сабаб бўлди. Кейинчалик қоғознинг дастлабки ҳужжат матни бўлган юқори қисми кесиб ташланган. Шундай қилиб, экспертиза фирибгарликни фош этишга ҳамда мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқишда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берди.

Фуқароларнинг меҳнат миграцияси кучайиб бораётганлиги муносабати билан паспортларни ундаги фотосуратларни алмаштириш йўли билан қалбакилаштириш, визаларни ҳамда фуқароларнинг чиқиши ва кириши тўғрисидаги сана-штамплар изларини қалбакилаштириш ҳоллари кўпайди.

Бундай сохтагарчилик чегара назорати вақтида аниқланади ҳамда бегона мамлакатга келаётган (бораётган) шахс ушлаб қолишдек кўнгилсиз тартиб-таомилларни бошидан кечиришга мажбур бўлади.

Шу муносабат билан фуқаролар янада хушёр бўлишлари, муайян ҳақ эвазига паспортларига қалбаки сана-штамп изини тушириб бераётган ёки бошқа ҳужжатларни шу алфозда рас-

миллаштираётган фирибгарларга ишонмасликлари лозим.

Республика суд экспертизаси марказининг ҳужжатларни криминалистик экспертизадан ўтказиш лабораторияси ҳужжатларни 600 мартадан 1 000 мартагача катталаштирилган ҳолда текшириш имконини берадиган замонавий «LEICA MZ-16», «СVM-2000» микроскоплари билан жиҳозланган. «VSC-2000», «VSC-5000» сингари кўп иш бажарадиган асбоблар – видеоспектрал компараторлар материалларни зарар етказмайдиган оптик усуллар билан текшириш имконини беради. «FORAM-685» спектрографи бўёвчи моддаларни бевосита штрих-чизиқларда зарар етказмайдиган усулда текширишга мўлжалланган бўлиб, олинган тасвирларни шахсий компьютер монитори экранидан қайд этиш имконини ҳам беради.

Аънавий ва янги усулларни, шунингдек замонавий ускуналарни қўлланиш экспертларга улар олдида қўйилаётган вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал этиш, суд-эксперт текширишларининг илмий даражасини ошириш имконини бермоқда ва шу йўл билан текширув хулосалари ишончли бўлишини таъминламоқда. Булар эса жиноятларни текшириш ва тергов қилишда ниҳоятда зарурдир.

Фания БАХТИЯРОВА,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Республика суд
экспертизаси марказининг
етакчи илмий ходими.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефонлари» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамига кўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади).

№	Прокуратура органлари	"Ишонч телефонлари"	
1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	(8.371)	232-43-91, 232-45-40
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚДҚК Департаменти	(8.371)	233-84-20
3	Андижон вилояти прокуратураси	(8.374)	224-06-09
4	Бухоро вилояти прокуратураси	(8.365)	223-74-79
5	Жиззах вилояти прокуратураси	(8.372)	226-09-62
6	Қашқадарё вилояти прокуратураси	(8.375)	221-07-82
7	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	(8.361)	222-26-39
8	Навоий вилояти прокуратураси	(8.436)	225-07-17
9	Наманган вилояти прокуратураси	(8.369)	226-23-02
10	Самарқанд вилояти прокуратураси	(8.366)	235-07-34
11	Сирдарё вилояти прокуратураси	(8.367)	223-38-22
12	Сурхондарё вилояти прокуратураси	(8.376)	223-20-36
13	Тошкент шаҳар прокуратураси	(8.371)	273-74-81
14	Тошкент вилояти прокуратураси	(8.371)	277-76-18
15	Фарғона вилояти прокуратураси	(8.373)	224-04-80
16	Хоразм вилояти прокуратураси	(8.362)	227-45-71

Бундан ташқари, барча туман, шаҳар прокуратураларида «Ишонч телефонлари» фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ.

Ёрдам сақлаш учун қоидалар

Экспертлик амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳужжатларни расмийлаштиришда фирибгарларнинг қилмишлари ва найрангбозликларидан холи бўлиш учун бир қанча қоидаларга риоя этиш зарур.

1. Бирон-бир масалани ҳал этаётганда ҳужжатларнинг асл нусхаси билан иш олиб бориш лозим, чунки ҳужжатдан ксерокс орқали нусха олишда бошқа ҳужжатдаги имзодан, муҳр изидан, матнидан фойдаланган ҳолда монтаж қилиш мумкин.


2. Бирон-бир ҳужжатни шошилинч расмийлаштириш зарур деган вақтда тоза (ёзилмаган) оқ қоғозга имзо, шунингдек муҳр изини қўйманг, негаки бундай варақларда ҳар қандай матнни босиш мумкин.

3. Ҳужжатларни расмийлаштираётганда матн билан реквизитлар (имзо ҳамда муҳр изи) ўртасида бўш жой қолдирманг, чунки бу жойга бошқа (керакли) матнни ёзиб чиқариш ва уни асл ҳужжат сифатида тақдим этиш мумкин.

4. Ҳужжатларни кўриб чиқаётганда бўёғига алоҳида эътибор беринг. Муҳр бир тусдаги, сувда эримайдиган штемпель бўёғи билан қўйилади. Кўпгина қалбаки ҳужжатларда уни сканер ва рангли принтер ёрдамида ўхшатиб юборишади. Бундай ҳолларда муҳр изи ва имзо сувда эрийдиган сиёҳ ёки турли рангдаги тонер зарраларидан ҳосил этилган бўлади.

5. Шуни назарда тутингки, замонавий компьютер дастурлари, керакли ускуналар ва материалларнинг бўлиши муҳрлар ва штампларнинг юқори сифатдаги қалбаки нусхаларини тайёрлаш имконини беради. Бундай сохтагарликни фақат экспертлар замонавий ускуналар ёрдамида аниқлашлари мумкин. Бунақа қалбакилик асосан кватиралар сотишда учрайди. Нотариуснинг муҳри изи ва имзоси қалбакилаштирилиб, битта турар жойни алдамчи йўл билан бир неча шахсга пуллашлари мумкин.

6. Эски ҳужжатларни қоғоз варағи, картонга елимлаб ёпиштирманг, негаки елимловчи модда бўёқ билан реакцияга киришади ва елимланган жойлардаги ёзувларни тиклаб бўлмайди.



АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ИЛМИ


ТУРКИЯ

Шошилган ишга шайтон аралашади. Турк мақоли.



Туркияда кўпгина суҳбатлар қаҳвахонада, чой ичиб, пирожний истеъмол қилиш билан бошланади. Турклар ширинликка ўч, уларда ҳатто ширинлик егандан кейин ширингина гаплашиб ўтирилади деган нақл ҳам бор.

Турклар совға қилишни ҳам, совға олишни ҳам хуш кўрадилар. Шерик ҳамкорга бирон нарса ҳадя этмоқчи бўлсангиз, унга, айтайлик, фирмангиз эмблемасини тўхфа қилинг, аммо бу совгани духоба сирилган бронзананг қутига солган ҳолда тақдим этинг. Ҳамкорингиз хузурига меҳмондорчиликка бораётган бўлсангиз, уй бекаси учун чиройли гуллар олишни унутманг.




Қабулхоналарда кўпинча аквариумларни, қафасдаги қушларни, хонаки гулларни кўриш мумкин. Уларга қизиқиш билдирсангиз, соҳибининг кўнглини овлаган бўласиз.

Турклар билан учрашувга борганда албатта ихтиёрингизда бўш (захира) вақт бўлсин. Зотан, амалий мулоқотдан олдин оила ҳақида дилкаш суҳбат бўлади, чой ёки қаҳва ичилади. Айти шу паллада биргаликдаги ҳамкорликка оид таклифларингиз тақдири ҳал бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Хорижий матбуот материалларидан.

ахлоқ-одоб қоидалари ишончилиги, аниқ пухталиги, ҳалоллиги, муносабатларда одоб доирасидан чиқилмаслиги билан ажралиб туради. Синчковлик ва пухталиқда финлар немисларга тенглашиб қолишади.

Бу диёрда кўпгина амалий масалаларни сауна ёки ресторанда ҳал этиш осонроқ. Шу боис бундай жойларга қилинган таклифлардан бош тортманг: яхши, мулоим, хушфелъ муомалага яраша муомала қилиш жоишлигини унутманг. Фин ҳаммоми тижорат борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда бебаҳо кўмакчингиз бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.



Пировардида шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг тадбиркор қаерда бўлмасин, ҳаммаша ўз мамлакатининг муносиб вакили бўлиши шарт. Сабр-чидам, ҳурмат-эҳтиром, қадр-қимматни баланд тутиш ва шерикларга яхши муносабат кўрсатиш ўзаро фойдали натижага эришишга ёрдам бериши турган гап.

Охири. Боши «Норма маслаҳатчи» газетасининг 27 (312)-сониди.

ГЕРМАНИЯ

Немислар қадамни билиб босадилар, босган қадамлари ҳисобини беришни ҳам яхши биладилар. Иоганн Вольфганг Гёте.

Немислар саранжом-саришталик ва ноэтиқабликлар билан кўпчиликка танилган. Немис ҳамкасбалар билан келишувнинг барча шартлари ва муддатларига бу эрта олишингизга кўзингиз етмаса, яхшиси ўз таклифингиздан воз кечинг.

Мабодо немис ҳамкорлар сизнинг кўз ўнгингизда телефон ёки ксерокс бюросини қулфлаб қўйишса, уларнинг бу ишини ўзингизга қарши қаратилган ҳаракатга йўйманг. Бу шунчаки, немисларга хос тешамкорликдир.

Немислар телефон орқали амалий суҳбат ва музокаралар ўтказишга моҳир. Улар музокарани бошлаш учун ортиқча вақт сарфлаб ўтирмайдилар ҳам. Суҳбат тамомила амалий тусда кечади.

Батартиблик, режалаштирилганига қатъий риоя этиш ҳамма жойда ва ҳамма нарсада кўзга ташланади. Ресторан ёки қаҳвахонада чойчақа бермасангиз ҳам бўлади – бу нарса еган-ичганларингизнинг қийматиға аллақачон киритиб қўйилган. Шундай бўлса-да, чойчақа бериш ниятидан қайтмайдиган бўлсангиз, тўлов суммасини яхлитлаб қўяқолинг. Катта-катта чойчақа бериш одат тусига кирмаган.

Сафарда юришга тўғри келадиган бўлса, темир йўл вокзалларидаги жадвални син-

чиклаб ўрганинг ҳамда сотиб олинган чиптангизда кўрсатилган тоифадаги вагонга ўтиринг. Вагон купесига катта жомадон кўтариб кирманг – бу ерда баҳайбат юкларни махсус багаж-вагонга топшириш таомилга кирган.

ФИНЛЯНДИЯ

...Финлар бир масалада яқдил: улар тинчлик-осойишталикни хуш кўрадилар ва ҳаётларини осуда ўтказишни истайдилар. Бу жиҳатдан уларнинг ҳаёти паст-баланд гапларга ҳам, севги-муҳаббатга ҳам бой никоҳни эслатади. Финлар аксарият ҳолларда оғир-вазмин, одамовироқ ва камгап эканлигига қарамай, ҳазилни яхши тушунадилар. Май-мусалласиз ҳам шоду хуррам юрган, ўз устидан ҳам самимий кула оладиган кўпгина финларни яхши биламан.

Марти Ларни.

Меҳнатсеварлик, ишни пухта қилиш, сабр-матонат финларнинг миллий хусусиятига хос белгилардир. Улар унча кичиримли кишилар тоифасига кирмайди, ўзини ётсирашга яқин тутта билиш хусусияти билан ажралиб туради дейишади. Лекин бу жилла тўғри эмас. Аслида улар ҳазил-мутойибага ўч – ўзларининг устидан ҳазил-хузул қилишдан ҳам сира тортинмайдилар.

Тижорат иши билан боғлиқ ҳозирги фин

ПЕШТАХТАДАГИ МАҲСУЛОТ ҒАЙРИОДДИЙ БЎЛСА...

Кейинги юз йиллик мобайнида тараққиёт башарият фаолиятининг барча соҳаларини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини мисли кўрилмаган даражада юксакликка кўтарди. Олимларнинг кейинги ютуқлари соғлиқ учун қанчалик фойдали эканлиги эса бутунлай бошқа масала.

КАТТАЛИГИГА УЧМАНГ

Бугунги кунда дўконлар хилма-хил маҳсулотлар билан харидорларнинг кўзини қувонтиради. Маҳсулотларнинг сирти нақадар чиройли, мазаси қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларни харид қилишга шошилмаслик керак.

Энг аввало этикеткалар мазмунига эътибор беринг. Россиялик ишлаб чиқарувчи маркаси остида сотилаётган консерваланган кўк нўхот Хитойдан олиб келинган бўлса ғалати туюлмайдими? Ёки, айтайлик, консерваланган кўзкорининг яроқлилик муддати узайтирилган бўлса-чи? Ишлаб чиқарувчи маринадланган помидор темирга жуда бой деб ёзган бўлса, буни рекламага йўймаслик керак. Негаки, юқорида айтилган барча маҳсулотлар ирсий жиҳатдан модификация қилинган маҳсулотлардир.

Улар ўзга битта ёки бир нечта гени бўлган биологик объектлар – трансген организмлардан олинган бўлади. Бундай маҳсулотлар пайдо бўлганлиги XX асрнинг иккинчи ярмида биотехнологияларда рўй берган ўзгаришлар тақозосидир. Қадим-қадимдан ўсимликларнинг маданийлаштирилганлиги маълум. Инсон ёввойи ўсимликларнинг бошқаларга нисбатан серҳосил уруғларини танлаб, уларни кўпай-

тирган. Бизнинг давримизга келиб олимлар селекция билан шуғулланишдан ташқари муайян мақсадга йўналтирилган мутацияга зўр бермоқдалар. Масалан, бугундай қаттиқ гамма нурлари бериб, энг сербошоқ навларни – мутантларни танлаб олдилар. Эндликда ўсимликнинг ДНКига бево-сита таъсир этувчи ёт генларни киритиш имконини берадиган бутун бир услубият мавжуд. Шу йўл билан ўсимликлар илгари кўрилмаган янги хоссаларга эга бўлмоқда.

БИР ЎҚ БИЛАН

Янги маҳсулотлар соғлиққа бе-зарар деган фикр юради. Аммо бу гапнинг аниқ ва ишончли далиллари йўқ. Ҳозир олимларнинг асосий саъй-ҳаракати деҳқончилик экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Бу мақсадга учта йўл билан эришилмоқда. Шу зайил организмнинг ирсий (генетик) тузилмасига куйидагиларни киритмоқдалар:

зараркунанда ҳашаротларга чидамлик генлари (ҳашаротлар ўсимликнинг мазасини татиб кўриш билан ўлиб қолади);

гербицидларга чидамлик генлари (экинзорлар ана шу – захарли моддалар билан ишлов берилганидан кейин трансген ўсимликлардан бошқа барча ўсимликлар нобуд бўлади);

қурғоқчиликка, иссиққа ва совуққа чидамликни оширувчи генлар.

Демак, одамзод бир ғояни бир марта ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этгач, юқори ҳосил учун ҳар йили кураш олиб бормаса ҳам бўлаверади. Бу ҳазилакам фойда келтирмайди, албатта. Аммо ирсий модификация усули мутлақо янги технология бўлиб, организм учун ҳеч қандай зарарли оқибатлар келтириб чиқармайди деб кафолат бериб бўлмайди.

БУЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН?

Мутахассисларнинг тасдиқла-шича, организмга бўладиган ҳар қандай таъсир, дейлик, аллерго-



логларда талайгина муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Аллергия қақирадиган оқсил қаерда учраши мумкинлигини олдинда билиб бўлмайди.

Қолаверса, ген муҳандислиги ютуқларидан фойдаланишга қарши мутахассислар бундай маҳсулот одамларнинг соғлиғига зарар келтириши мумкин деб ишонадилар. Улар ўз фикрларини олимлар томонидан ўтказилган барча синовлар қисқа муддатли бўлганлигини, салбий таъсир эса узоқ вақтдан кейин ўзини сездириши ёки авлодларга таъсир этиши мумкинлиги билан исботламоқчи бўладилар. Ирсий (генетик) модификацияланган маҳсулот таъсири остида одам ўзида олиб юрадиган касал тарқатувчи микроорганизмлар антибиотикларга чидамлик ҳислатини яратадилар деган тахминлар ҳам бор.

Бизни ва фарзандларимизни нима билан боқишаётганлигидан кўпинча беҳабар бўламиз.

Масалан, Москва шаҳрининг турли савдо нуқталарида болаларга аталган озиқ-овқат ҳамда гўшт маҳсулотларининг 30 га яқин тури назорат тариқасида текширилганида, бу маҳсулотларда генетик модификацияланган компонентлар борлиги аниқланган.

Сут оқсиллари соя оқсиллари билан алмаштирилган болалар бўтқа-

Таассуфки, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида бу борада бирон-бир аниқ талаблар йўқ. Ҳолбуки, кўпгина мутахассислар ирсий модификацияланган маҳсулотлар дўконларнинг пештахталарини ўзлариники қилиб олди ва вақти келиб аънавий товарларни суриб чиқаради деб ҳисобламоқдалар. Чунки бу бизнес эндиликда глобал кўлам касб этмоқда. Шу сабабли ҳам истеъмолчи ўзига нималар тавсия этилаётганлигини билиш ҳамда у ёки бу маҳсулотни харид этиш ёхуд этмаслик ихтиёри ўзида бўлиш ҳуқуқига эга.

Соғлиғим менинг – бойлигим менинг

си текширилганда, уларда маҳсулот идишида кўрсатилмаган қўшимча генетик модификацияланган ингредиентлар борлиги маълум бўлди.

ҲАҚИҚИЙ ТАНЛОВ

Кундалик таомда ген муҳандислиги ёрдамида етиштирилган маҳсулотни ишлаштириш-ишлашмасликни истеъмолчининг ўзи танлаши керак. Лекин бунинг учун у нима сотиб олаётганлигини аниқ билмоғи лозим.

Маҳсулотда ирсий модификацияланган модда борлигини билиш унча осон эмас. Амалда маҳсулот ишлаб чиқараётган бирорта ҳам мамлакатда бу хил моддалар маҳсулот таркибида борлигини хабар қилиши шарт эмас экан. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида бундай моддалар 0,9 фоиз бўлишига йўл қўйилади. Япония ва Австралияда генетик модификацияланган модда ҳажми 5 фоиздан ошсагина, этикеткада аниқ ахборот ёзиб қўйилади. Россия ҳукумати трансген экинлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан назоратни кучайтириш ҳақидаги қарорни имзолаган. Бироқ текширувлар шуни кўрсатдики, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилиги маҳсулотда генетик модификацияланган моддалар борлигини маълум қилиш ҳақидаги талабга беписанд қарамоқдалар.

Хорижий матбуот материаллари асосида.

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«AMIR-AUDIT» МЧЖ

аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УФР АБнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномасиЎзбекистоннинг бутун
худудидида барча ҳўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувларини амалга оширади
Бухгалтерия ҳисоботи
ва баланс тузишСАР ва СІРА сертификатларига эга
булган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15



Рўйхатлар

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 23 августдаги
ажримларига асосан Сергели туманидаги банкротликнинг
кузатув таомили эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"Mega imex group" ХК	10-1116/14094
"Qandiris tofi" МЧЖ	10-1116/14093
"Lektonk kramp" МЧЖ	10-1116/14092
"Qudratli Pudrat" ШК	10-1116/14090

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Сергели туман ДСИ ходими Эшназаров тайинланган. Суд муҳокамаси 2011 йил 5 сентябрь куни соат 14.15 да Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида бўлиб ўтади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 24 августдаги
ажримларига асосан Шайхонтохур туманидаги банкрот деб
эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни
бошланган корхоналар
РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"AZIZ-MEZON" МСНЖ	10-1107/14167
"TRIVEL AVINAK" МСНЖ	10-1107/14166
"TEKNOPANEL" МСНЖ	10-1107/14168

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2011 йил 5 сентябрь куни соат 12.00 да Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 7 сентябрь куни соат 10.00 да Шайхонтохур туман ДСИ биноси, 306-хонада сайёр очик суд мажлисида қўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 2 августдаги
қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилаётган
корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"HEAD OR TAIL" МЧЖ	10-1116/11748-т
"ABDUQAYUM BIZNES" МЧЖ	10-1116/11732-т
"ERNAZAROV AVTO LYUKS" ХК	10-1116/11743-т
"TRUST BROKER SERVIS" ХК	10-1116/11744-т
"ROMA-KOLYA BIZNES" МЧЖ	10-1116/11739-т
"DARA-SERVIS" ХК	10-1116/11738-т
"FARZIN BIZNES" ХК	10-1116/11737-т
"METALL MAKSI PLYUS" МЧЖ	10-1116/11731-т
"MO'JIZA TEKSTIL" ХК	10-1116/11734-т
"EVEREST STROY SERVIS" ХК	10-1116/11745-т
"MASHRUPA" ХФ	10-1116/11733-т
"ELMAN INVEST SERVIS" ХК	10-1116/11742-т
"SUPER FORMULA" ХК	10-1116/11741-т
"ORIF GOLD BIZNES" МЧЖ	10-1116/11740-т

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда бирламчи ҳўжатлари, гувоҳномалари бекор қилинади.

ЭЪЛОНЛАР = ЭЪЛОНЛАР = ЭЪЛОНЛАР = ЭЪЛОНЛАР = ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

Сергели туманидаги саноат
базаси сотилади.
Тел. 233-96-14.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш
ва тугатиш*.
Тел.: 252-52-88, 339-38-34.Кўчмас мулк бўйича юрист мас-
лаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.«ADVOKAT ELITE». Судларда ва-
киллик қилиш. Корхоналар, вако-
латхоналарни рўйхатдан ўтказиш,
қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар-
га юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Кирхона ишчилари.
Тел. 154-09-57.

ИШ

Бухгалтер. Тел. 724-56-14.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.Аудиторлик, бухгалтерия хизмат-
лари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ХИЗМАТЛАР

Электр ускуналарни ишга тушириш-
созлаш, профессионал синашлар.
Трансформаторларни ўрнатиш ва
таъмирлаш ва ҳоказо. Тел. 407-78-67.Ташкилотлар учун компьютер ва
маиший техникани ҳисобдан чиқар-
иш учун ҳўжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56,
236-76-46.Компьютерларни таъмирлаш,
шахсий компьютерларга техник хиз-
мат кўрсатиш. Windows, дастурий
таъминот ва Интернет ўрнатиш ва
созлаш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: (+998 93) 577-44-56.
Михаил.Қурилиш-таъмирлаш ва пардоз-
лаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.Сметаларни жорий нархларда
тузиш. Турар жой ва жамоат би-
ноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

*Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 23 августдаги қарорларига асосан
Олмазор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР исм-шарифи	Раҳбар	Юридик манзили	Қарор рақами
"SHUAYB OZKAN" МЧЖ	301274853	Сабир Озкан	Кочубей кўч., 2-4	10-1114/13095
"HASANBOY TEXS" МЧЖ	300056809	А.Ҳакимов	Чилонзор 24-8-78	10-1114/13091
"AZIZ-MUAZZAM-TONG" МЧЖ	301365375	Ш.Муслимов	Форобий-320	10-1114/13094
"JURAVLI-BIZNES" МЧЖ	300905139	И.Азизов	Форобий кўч., 400-1	10-1114/13092
"JOYDILKOM-STROY" МЧЖ	300394049	Д.Хасанов	Сағбон, т-25, 12	10-1114/13096
"TOLIPOV FARHOD FAXRITDINOVICH" МЧЖ	301129969	Ф.Толипов	Ходаев кўч., 1	10-1114/13090
"FRESH AND TASTY" МЧЖ	301660262	Ким Станислав	Сағбон кўч., 1-15	10-1114/13104
"QORASAROY BAXT" МЧЖ	203385700	А.Абдуқодиров	ТашГосМИ, 12-83	10-1114/13105
"MIRAZIZ UNIVERSAL SAVDO" ХК	301669234	М.Ёқубов	Сағбон, 75	10-1114/13103
"GEOSFERA LOYIHA" МЧЖ	301714770	Х.Туробов	Қорақамиш 2/5, 16-30	10-1114/13102
"ALSUV-BIZNES" ХК	301547931	Б.Тохтаев	Қорақамиш 1/3, 36-69	10-1114/13099
"WANGLE EMPLOYER" МЧЖ	206999639	С.Муслимов	Тансиқбоев-3, 30-1	10-1114/13101
"IPAKCHI SAVDO BARAKA" ХК	301740771	У.Исҳоков	Пахта кўч., 6	10-1114/13098
"SAND BUILDING MATERIALS" МЧЖ	207090679	Х.Мирахмедов	Форобий, Муҳокама тор кўч., 10	10-1114/13093

"MAXSUMA-FAYZ" ХК 206686355 Р.Рахмедов Зарқайнар кўч.,
Уйланиш тор кўч., 17 10-1114/13097

"FIKRAT-FAYZ" МЧЖ 204627190 Ж.Аҳадов Нақшбандий кўч., 60а 10-1114/13098
Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳўжатлари ва дав-
лат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кун-
дан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади.
2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар
белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги қуйидаги корхоналар бўйича тугатиш жараёни бошланган:

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2009 йил 27 июлда рўйхатдан ўтган "DEN-MAX LUX" ХК (СТИР 301272563) бўйича 2011 йил 4 июлдаги таъ-
сисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат
ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., А.Темур кўчаси, 108-уй, 2-хонадон.
Телефон: +99894-633-75-75.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2011 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтган "OLMALIQ BIZNES TAOM" МЧЖ (СТИР 301954877) бўйича 2011 йил
4 июлдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва ариза-
лар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Алмалиқсой кўчаси, 163-уй.
Телефон: +99893-618-67-47.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2007 йил 29 майда рўйхатдан ўтган "GRAND" ХК (СТИР 202056310) бўйича 2011 йил 6 июлдаги таъсисчи
қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида
қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Примқулов кўчаси, 5-уй, 47-хонадон. Телефон: +99898-305-71-75.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2010 йил 5 июлда рўйхатдан ўтган "NUFISHAR BUSINESS" ХК (СТИР 301652106) бўйича 2011 йил 18 июлда-
ги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой
муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Истиклол кўчаси, 6-уй, 31-хонадон.
Телефон: +99890-323-47-03.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2009 йил 1 майда рўйхатдан ўтган "SITORA" ХИЧТФ (СТИР 203148109) бўйича 2011 йил 25 июлдаги таъсис-
чи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат
ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Уйғун кўчаси, 3-уй.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан
2001 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтган "OLMALIQELEKTRASOZLASH" унитар корхонаси (СТИР 203797844)
бўйича 2011 йил 5 августдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилин-
ган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Фахрийлар кўчаси, 29-уй.
Телефон: 61-4-12-80.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uzНашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайдۇ.

Тахририят муштариёлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа
манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.Газета 2 сентябрь куни "ТОПРИНТ" МЧЖ
босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 1198 Адади 3900. Баҳоиси келишилган нархда
Газета 2011 йил 30 августда соат 17.00 да топирилади.
ISSN 2010-5223